Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 238 (6. 429) ◉ 1987 йил 20 октябрь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

Партия XXVII съездида белгиланган, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида ривожлантирилган хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилиш мамлакат ҳаётининг ҳамма томонларига дахлдордир. Халқ хўжалигини жўшқин ривожлантиришни кучайтиришда, унинг барча тармоқлари пухта ишлашида беш йилликнинг бўлажак учинчи йили алоҳида аҳамият касб этади. Қайта қуришнинг тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳозирги даврда барчанинг ва ҳар бир кишининг куч-ғайратини иқтисодий ҳамда социал тараққиёт режаларини амалда рўёбга чиқаришга сафарбар этиш зарур.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг саккизинчи сессиясига йиғилган депутатлар яқин келажакка мўлжалланган программани айни шундай позицияларда туриб муҳокама қилмоқдалар. Сессия 19 октябрь куни катта Кремль саройида палаталарнинг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. В. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** раислик қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва унинг иш тартиби бир овоздан тасдиқланди. Муҳокамага қуйидаги масалалар қўйилади.

1. Қирғизистон ССРдан СССР Олий Советининг Раисининг ўринбосари тўғрисида.

2. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

3. СССРнинг 1988 йилги Давлат бюджети ҳақида ва СССР 1986 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

4. СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида мансабдор шахсларнинг граждан-лар ҳуқуқларини камситувчи қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари тўғрисида судга шикоят қилиш тартиби ҳақидаги СССР қонуни лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар киритган таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида.

5. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

Депутатлар сессия кун тартибидаги биринчи масалани кўриб чиқишга ўтадилар. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **А. М. Масалиев**га сўз берилади, у СССР Олий Советининг Қирғизистон ССРдан сайланган депутатлари, республика партия ва совет органлари топшириғига биноан Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Таштанбек Акматовни Қирғизистон ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

Сессия депутат **Т. Акматовни** бир овоздан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлади.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. В. Тализин** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ва 1987 йилги план қандай бажарилаётганлиги ҳақида доклад қилди.

Танаффусдан кейин мажлисда Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** раислик қилди.

СССРнинг 1988 Давлат бюджети тўғрисида ва 1986 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида доклад қилиш учун СССР молия министри депутат **Б. И. Гостев**га сўз берилади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

Замондошимиз



ҚУРУВЧИ

Инсон бахти ҳақида мунозара борганда, бахтнёр одамлар ҳамиша «Мен бахтимни меҳнатдан топганман», деб жавоб беришади. Сиз суратда кўриб турган Ғойибназар Қосимов ана шундай кишилардан.

У ёшликдан қурувчилик касбига ихлос қўйди. Шу туфайли ўрта мактабни тугатиши билан қурилишга йўл олди. 3-уйсозлик комбинати меҳнат аҳли очиқ кўнгил йиғитни бажонидил ўз сафига қабул қилди.

Ғойибназар ишни шогирдликдан бошлади. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган кекса мутахассислар тажрибасидан ўрганди, улардан ибрат олди. Ҳар бир ишнинг иккр-чикиригача снчковлик билан кузатди. Натижада тезда касбини ўзлаштириб илғорларга тенглаша борди.

У ўн беш йил оддий қурувчи бўлиб ишлади. Йирик қурилишларда қатнашиб, Тошкентимизнинг обод ва кўркам бўлишига ўзининг муносиб улушини қўшди. Унинг самарали меҳнати муносиб тақдирланди: кўксини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганн учун» медали ва қатор нишонлар безади. Шу ерда у КПСС сафига ўтди. Оилали бўлди. Ғойибназарнинг икки ука-си ҳам акаларн изидан бориб, у ишлаётган 3-уйсозлик комбинатига ишга кирншди. Ҳозир улар комбинат қурилиш ташкилотларида шоферлик қилишмоқда.

Яқинда Ғойибназар Қосимов ташаббус билан чиқди. У қолоқ бригадага бошчилик қилишни ихтиёр этди. Мана уч ойдирки, бригада топшириқларини уддалайдиган бўлди.

— Ҳозир коллективимиз олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди, — дейди Ғойибназар Қосимов биз билан суҳбатда. — Бу ҳам бўлса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишдир. Шунга кўра, коллективимиз ўзаро социалистик мусобақани тобора қизитиб бормоқда. Бригадамиз аъзолари ўртасида бу шонли сана нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиқаётган қурувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

СУРАТДА: Собир Раҳимов район партия комитетининг аъзоси коммунист Ғ. Қосимов.

Р. Шарипов фотоси.

Мусобақа шарофати

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган санага ҳам саноқли кунлар қолаяпти. Ишлаб чиқариш коллективларида олинган мажбуриятлар бирин-сирин бажарилаётганлиги ҳақида ғалаба рапортларига имзо чекилмоқда. Йил бошида коммунистик меҳнат зарбдори Мардона Муҳиддинова ва бошчилик қилаётган тўқувчилар бригадаси чеварлари ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар.

Улар яқдиллик билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигни нишонланадиган кутлуғ кунга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг иккн йиллик планнни бажаришга аҳд қилишди.

Бу ташаббускор дугоналар юқори автомат дастгоҳларда устки трикотаж буюмларни тўқишади. Жакет, жилет, хотин-қизларнинг кўйлакларн, костюм-юбкалар, полувер, болаларнинг костюмларн шулар жумласигандир.

Тўқувчилар маҳсулот сифатига, унинг харидоргир бўлишига алоҳида эътибор беради-лар. Шунга мувофиқ коллективда иш унумини ошнрувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи бир қатор омиллар қайтадан кўриб чиқилди.

Қолаверса иш вақтининг ҳар бир дақиқасндан унумли фойдаланишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Бу туфайли бригада чеварлари йилнинг ўтган ойларн планларини белгилаганндан анча ошкриб бажаришга эришдилар.

«Тошготрикотажбитэга қарашли 7-цехнинг бу пешқадам коллектнви шу боисдан ҳам О. Мирзакаримова бошлиқ бригадаси чеварларн билан ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада илғорлик қилмоқда.

Улар тайёрлаётган маҳсулотлар эса харидорларнн мамнун этмоқда.

Шонли сана шарафига

1-автомобиль ремонти заводининг деталларни қайта тиклаш участкасида зарбдорчасига меҳнат қилаётган тажрибали слесарь Солижон Йўлдошев Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига корхона ишчи-хизматчилари ўртасида авж олдирилаётган социалистик мусобақада қувончли натижаларга эришмоқда.

У яқинда ўн иккинчи беш йилликнинг иккн йили планнни 7 ноябрга қадар адо этиш юзасидан эммасига олган социалистик мажбурнятнн шараф билан адо этди. Бунинг эвазига моҳир слесарь 40 минг 138 сўмлик маҳсулот тайёрлади. Шунинг салкам 7 минг сўмлнги пландагига қўшимчадир.

Иш вақтндан рационал фойдаланиш, деталларнн ремонт қилиш технологиясига пухта риоя этиш, участкада ўрнатилган ускуна ва мосламаларнн такомиллаштирш ҳисобига моҳир ишчи Солижон Йўлдошев ана шундай қувончли натижаларга эришмоқда. У меҳнат унумдорлигнни ошнрнш кўрсаткичи ҳам доимо юқорн бўлишнни таъмнлаётнр. Бунинг эвазнга С. Йўлдошев айни кунларда келаси йилнинг апрель ойн ҳисобига меҳнат қилмоқда.



БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ МАДҲИЯСИ

Пахта чаноғи ва бугдой бошоғи билан ўралган лира торлари устидаги перо, мўйқалам ва кески тасвирланган ҳамда ўртасида «70» рақами ёзилган Қизил байроқ акс этган чиройли эмблема Тошкентнинг кузги либосига уйғунлашди. Бу 19 октябрда очилган Қорақалпоғистон маданияти кунларнинг рамзидир. Орол ва Аму соҳилларидан пойтахтга автоном республиканинг салкам уч юз нафар вакили келди. Улар қўшиқ, музика ва рақс қанотида ўз юрт-дошлари — пахтакорлар ва шоликорлар, балиқчилар ва бинокорлар, газчилар ва чўпондардан алангали салом олиб келдилар.

Ўзбекистон таркибига кирганига мана эллик бир йил бўлаётган Қорақалпоғистон Тошкентга ўзининг энг яхши санъат усталарини ижодий ҳисобот беришга юборди. Улар орасида СССР халқ артисти Ойимхон Шомуротова, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Қорақалпогистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов, Ўзбекистон халқ шоири Тилов-берген Жумамуротов, Қорақалпотистон халқ артисти Мақсет Хўжаниёзовлар бор. Делегация составида ижодий союзларнинг раҳбарлари, ўлканинг таниқли меҳнаткашлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — «Тошкент» совхозининг директори Б. Қурбонов, Будённий номли совхоз бригадири П. Розимовалар бор. Қорақалпогистон давлат ашула ва рақс ансамбли, «Гулзор» эстрада вокал-хореографик ансамбли, симфоник оркестр, Бердақ номли давлат филармониясининг «Аму тўлқини» ансамбли, «Арулар» фольклор ансамбли ижрочилик санъатини намойиш қиладилар.

Автоном республика Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова бошчилигидаги делегация В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Номаълум солдат қабрига таъзим бажо келтирди. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Тошкент шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган учрашувда уларга Ўзбекистон пойтахтининг бугунги ва эртанги куни тўғрисида гапириб берилди, улар жонажон ўлкалари ҳаётидаги янгиликлари билан ўртоқлашдилар. Ҳозирги кунда, Октябрнинг 70 йиллиги арафасида қайта қуриш учун кураш вазнитида совет халқларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш айниқса муҳимдир. Жамиятимизни революцион янгилашнинг мураккаб проблемаларини фақат биргаликда, ягона сафда туриб ҳал этиш мумкин.

Қорақалпоғистон мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошлари тошкентликларга дастлабки кундаёқ ўз ижодлари намуналарини намойиш қилдилар. СССР халқлари дўстлиги музейи ўз залларини автоном республика санъаткорлари асарлари кўргазмасига бериб қўйди. У ерда тасвирий ва халқ амалий санъатига оид салкам 300 та асар қўйилган. «Нукус» кинотеатрида Қорақалпоғистон фильмлари фестивали очилди.

Байрам маршрутлари Ўзбекистон ижодий союзлари орқали ўтади. Ёзувчилар ва шоирлар, композиторлар ва созандалар, артистлар ва рассомлар, экран усталари ижодий ташкилотларда ўз ҳамкасблари билан учрашдилар.

Кечқурун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида Қорақалпоғистон маданият кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Кечани Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов очди. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади. Автоном республиканинг санъат усталари катта концерт бердилар.

(ЎзТАГ).

(Тантаналар тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида берилади).

Бизнинг интервью



Ярим асрлик воқеа

Ойимхон ШОМУРОТОВА,

СССР халқ артисти, Бутуниттифоқ уруш ва меҳнат ветеранлари Марказий Советининг аъзоси.

— 1936 йилда Қорақалпоғистонда қувончли воқеа юз берди. Днёримизга Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев меҳмон бўлиб келди ва у кўпгина жойларда меҳнаткашлар вакиллари билан учрашди. Ҳурматли оқсоқол ўшанда қорақалпоқ санъаткорларини Тошкентга таклиф қилган эди. Ўша йили биз санъаткорлар биринчи марта гастроль сафари билан Ўзбекистонда бўлиб Фарғона шаҳри меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатганмиз. Шундан кейин алоқаларимиз яна кучайди. Ўзбекистоннинг санъат дарғалари— СССР халқ артистлари Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева каби истеъдод эгалари билан дўстлашиб опа-сингил бўлиб келдик.

Орадан анча сувлар оқиб ўтди. Ўлкаларимиз маданияти тараққиёти тарихида кўпгина яхши ёркин саҳифалар ёзилди. Биз бу йиллар мобайнида бир-биримиздан маҳорат сирларини ўргандик.

Улуғ Октябрь 70 йиллиги арафасида Тошкентда ўтган қорақалпоқ маданияти кунлари алоқаларимизнинг ярим асрлик тарихига катта назар ташлади, бундан буёнги вазифаларимизни яна белгилаб берди. Бир сўз билан айтганда, мен Октябрь қуёши ёритган катта нурафшон йўлнинг камтар пешқадами сифатида буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлганлигим билан фахрланаман. Чиндан ҳам Улуғ Октябрь бизга бахт-саодат, чинакам дўстлик, қардошлик, гуллаган санъат баҳш этди.



Рамзийлик белгиси

Бердибой ҚУРБОНОВ,

Хўжайлн районидаги «Тошкент» совхозининг директори, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Хўжалигимиз ерлари бундан йигирма бир йил муқаддам чўл бағридан юлиб олинган. Ўшанда сизнинг шаҳрингиз Тошкентда зилзила рўй бериб, янги-янги замонавий биноларни бунёд қилишга киришилган пайт эди. Ўзбекистон пойтахтига хайрихохлигимизни намойиш этиш мақсадида унинг номини яхши ният билан совхозимизга қўйган эдик. Хўжалигимиз Тошкент корхоналари ва институтларининг берган техникавий ва маънавий ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда. У йирик салмоқли хўжаликка айланди. Ўтган йили етти миллион 400 минг сўм даромад кўрган бўлсак, бу рақам бу йил яна ошади. Ҳозир совхозимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин бораяпти. 3560 гектар майдондан 8000 тонна ҳосил топширишимиз керак. Шу кунгача хўжалик хирмонининг қарийб ярми бунёд этилган. Мен маданиятимиз кунларига келаётганимда механизаторларимиздан Ў. Сарсенов, М. Есбергенов, О. Ҳожимуротов сингари азаматлар кунига 6—8 тоннадан пахта теришаётган эди.

Қорақалпоқ маданияти кунлари кўп жиҳати билан фойдали бўлди. Биз бу ерда ютуқларимиз ҳақида фикрлашиш билан бирга турмушимизда учраб турган айрим муаммолар ҳақида ҳам бафуржа гаплашдик. Масалан, шаҳрингизда ишлаб чиқарилаётган кўрак чувиш машиналарининг қуввати шу куннинг талабига жавоб бермайди. Механизаторларимиз бу техникадан яхши қаноат ҳосил қилмаётирлар. Уйлайманки, Тошкент мутахассислари кўрак чувиш каби қишлоқ хўжалик машиналарини янада такомиллаштириш устида жиддий ўйлаб кўрадилар.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

Пенсионерлар ҳиммати



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,27	68,70
Бухоро	2,29	62,58
Сурхондарё	2,86	59,05
ҚҚАССР	1,49	55,19
Тошкент	3,98	54,62
Фарғона	2,55	49,13
Сирдарё	4,02	44,65
Жиззах	3,77	44,00
Қашқадарё	1,73	41,79
Наманган	2,87	39,06
Навоий	1,92	36,73
Андижон	2,23	36,57
Самарқанд	2,01	34,22
Республика бўйнча:	2,53	48,28

Ўттиз саккиз йиллик меҳнатининг 23 йили давомида тўқимачилик комбинатида ишлаган, етти фарзандинг онаси, пенсионер Муҳаббат Абдуазимова Собир Раҳимов район социал таъминот бўлимига келганда пахта майдонига отланган кишилар оз эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Кекса педагог, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Фотима опа Шайхуддинова ҳам 60 ёшлик юбилейини пахта майдонида нишонлашга аҳд қилиб, бу ерга келибди.

С. Раҳимов районидан шу куни 29 пенсионер аёл пахта теримига чиқибди.

Шу куни пахта майдонида Акмал Икромов районидаги «Пахтакор» маҳалласидан чиққан 20 аёлнинг бири — Санобар Ғаниеванинг келини фарзанд кўрган, шу бугун қудалари келишар экан.

— Қовурдоқни қайтиб бориб ейдиган бўлдик, — дейди кулиб маҳалла хотин-қизлари Советининг раиси Раҳима Мусаева, — баракали меҳнатдан кейин иштаҳа ҳам зўр бўлади.

Қаҳрамон она Муборак Норматова невараси — 81-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Қодир Пўлатов билан, кўп болали она Ҳамида Юнусова, 8 боланинг онаси Ўмри Каримова ва бошқалар ҳам шу куни улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб улуш қўшдилар.

— Куйбишев районидаги бизнинг «Гулистон» маҳалламиздан,—дейди унинг раиси ҳам акаларн изидан бориб, у ишлаётган 3-уйсозлик комбинатига ишга кирншди. Ҳозир улар комбинат қурилиш ташкилотларида шоферлик қилишмоқда.

Яқинда Ғойибназар Қосимов ташаббус билан чиқди. У қолоқ бригадага бошчилик қилишни ихтиёр этди. Мана уч ойдирки, бригада топшириқларини уддалайдиган бўлди.

— Ҳозир коллективимиз олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди, — дейди Ғойибназар Қосимов биз билан суҳбатда. — Бу ҳам бўлса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишдир. Шунга кўра, коллективимиз ўзаро социалистик мусобақани тобора қизитиб бормоқда. Бригадамиз аъзолари ўртасида бу шонли сана нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиқаётган қурувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

СУРАТДА: Собир Раҳимов район партия комитетининг аъзоси коммунист Ғ. Қосимов.

Р. Шарипов фотоси.

Сайфулла Оқмирзаев, — 42 пенсионер пахта майдонида меҳнат қилди. 87 ёшли Мирзадиёр ота Назаров, 81 ёшли Абдураҳмон ота Искандарҳўжаев, 82 ёшли Баймат Эрматов, 80 ёшли Қўрғонбой Йўлдошев, 79 ёшли Аҳмаджон Мазгаров, 77 ёшли Никифор Косиев ва бошқалар ҳиммат кўрсатиб пахта теришди.

1945 йилдан КПСС аъзоси Надежда Михайловна Ревейкина эса пахтазорга Челябинск областининг Златоуст шаҳридан келган пенсионер жияни Раиса Михайловна Жукова билан чиқибди.

Эрталаб қарасам, —дейди Златоуст машинасозлик заводининг собиқ фрезерчиси, —холам қаёққадир отланяпти. Ҳа, десам, сен меҳмонсан, уйда дам олиб ўтир, биз пахта теримига чиқиб келамиз, дейди. Бу гапни эшитиб, мен ҳам пахтазорга отландим. Ахир, Ўзбекистоннинг бир пиёла бўлса ҳам сувини ичганимдан кейин, бу улуғ ишга ўз ҳиссамни қўшмасам бўладими?

Дарҳақиқат, Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» номли колхоз 11-бригадасининг 220 тонналик хирмонига 6 тоннадан ортиқ (унинг бир тоннадан ортигини Ҳамза районининг пенсионерлари теришди) «оқ олтин» қўшган тошкентлик пенсионерларнинг олижаноб ҳиммати, меҳнат шижоати ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

С. ЙЎЛДОШЕВ.

Газетхон-газета-газетхон

«ОҚШОМ»НИНГ САЙЁР РЕДАКЦИЯСИ СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИГА ОТЛАНМОҚДА

Эртага, 21 октябрь чоршанба куни соат 17 дан то соат 19 га қадар Собир Раҳимов район партия комитетида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ва ходимларининг Собир Раҳимов район меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

Биз сизларни, азиз дўстлар, район партия комитетида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, амалга оширилаётган ишларни такомиллаштиришга йўналтирадиган, мавжуд нуқсонларни бартараф этишга, халқ хўжалиги тармоқларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклиф ва мулоҳазаларингиз билан кутамиз. Редакция ходимларидан ташқари район раҳбарлари ҳам иштирок этадиган бу учрашувда сизнинг фаол қатнашувингиз ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга, районнинг социал-маиший ва бошқа масалаларини ҳал қилишга шубҳасиз ёрдам беради.

Сиз ушбу учрашувнинг сиртқи қатнашчиси ҳам бўлишингиз мумкин. Бунинг учун 21 октябрь куни 46-74-44, 46-65-01 рақамли телефонлар орқали соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушки танаффус соат 13 дан соат 14 гача) қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Ушбу учрашув «Оқшом» мухбирларининг райондаги корхоналар, ташкилотлар, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат ва маданият муассасаларига ташриф буюришлари билан уйғунлашиб кетади. Лекин сизнинг шу учрашувдаги иштирокингиз, район муаммоларига манфаатдорлик билан муносабатда бўлишингиз район ҳаётини янада яхши ва тўлароқ ёритиш, газета саҳифаларида эълон қилинадиган мақолаларга янги мавзулар танлашда жуда ҳам асқотади.

Сайёр редакциянинг Собир Раҳимов райони бўйича уюштирган сафари пайтида тўпланган материаллари газетанинг яқин сонларидан бирида эълон қилинади.



Шундай қилиб учрашув эртага, 21 октябрь куни Собир Раҳимов район партия комитетида соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади.

Коммунистлар аттестацияси:
дастлабки сабоқлар

САБАБЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР

Агар оилада ота-она аҳил бўлмаса, улар ўртасида тез-тез жанжал чиқаверса, бу бутун оиланинг бошқа аъзоларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Турли хил кўнгилсизликлар, келишмовчиликлар шундан келиб чиқади. Хуллас, оилада маънавий-психологик иқлим қанчалик муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтирш ортиқча. Тошкент гидрометеорология техникумидаги маънавий-психологик иқлимнинг аҳволи ҳақида ўйлаганда биринчи галда ана шу ёдга тушади. Ўқувчилар ўртасида эмас, балки техникумнинг педагогик коллективи орасида ана шу иқлимнинг бузилиши узоқ вақт мобайнида бутун коллективнинг асабига тегди. Район ва шаҳар партия комитетларига тушаётган «юмалоқ хатлар» кўпчилигини безовта қилди, техникумда таълим-тарбия ишларини пухта йўлга қўйишда халакит берди.

Тошкент шаҳар партия комитети ва Октябрь район партия комитети томонидан комиссиялар тузилиб, бир неча бор техникум маъмурияти ва партия ташкилотининг ишлари таҳлил этилди.

Хўш, гап нимада! Нега техникумда узоқ вақтгача сув лойқаланиб келди. Тошкент шаҳар партия комитети сўнгги бор шу йилнинг февраль ойида текшириш ўтказди. Унинг натижаларини эса техникумда ўқув ва ғоявий-тарбиявий ишларда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлигини тасдиқлади. Текшириш якунлари очиқ партия йиғилишида муҳокама этилди.

Муҳокама жараёнида шу нарса маълум бўлдики, коммунистларнинг кўпчилиги хулосона, танқидий фикр юритсалар-да, айрим ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнидаги нуқсонларнинг сабабларини нотўғри тушунишар экан, уларда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олиш ҳисси етишмади.

Хўш, бунинг сабаби нимада! Нега очиқ-ойдин кўриниб турган нуқсонларни айрим коммунистлар тан олгиси келмади! Умуман, нега техникумда аҳвол бу даражага тушиб қолди!

Техникумда ўтказилган коммунистлар аттестацияси бунинг илдизларини чуқур очиб ташлади.

Аттестация натижаларига бир назар ташлайлик. Техникумда ҳаммаси бўлиб 102 киши меҳнат қиладн. Шундан 17 нафари КПСС аъзосидир. Уларнинг 11 нафарини аттестациядан ўтказишга қарор қилинди. Шундан беш нафаригина аттестациядан муваффақиятли ўтди. Олти коммунист эса шартли аттестация қилинди. Уларга қаттиқ партиявий жазо берилди.

Маълумки, коммунистлар аттестациясн ҳар бир коммунистнинг ишчанлик, сиёсий, ва ахлоқий жиҳатдан қандай ижобий ва салбий хусусиятларга эга эканлигини холисона баҳолайди. Унда коммунист ўз хизмат вазифасини қандай адо этаётгани, партия ва жамоат топшириқларини қанчалик сидқидилдан бажараётгани, унинг савияси, Устав талабларига қандай риоя қилаётгани ва бошқа жиҳатлари жуда синчиклаб таҳлил этилади. Аттестацня натижаси эса коммунистларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилди.

Гидрометеорологня техникумида аттестацня жуда принципиаллик билан ўтди. Олти коммунист шартли равишда аттестацня қилинди, дедик. Хўш, улар кимлар! Буни қарангки, уларнинг кўплари техникум раҳбарлари бўлиб чиқди. Биз юқорида гапни оиладаги муҳит асосан ота-онага боғлиқ эканлигн ҳақида бежиз сўз очганимиз йўқ. Техникум раҳбарлари ишларни бўшаштириб юборишгани аниқ-равшан бўлиб қолди...

Келинг, аттестацня комиссиясининг уларга берган баҳоси билан танишиб чиқайлик. Талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, етарлича назорат ўрнатилмаганлиги учун техникум директори Л. А. Ҳусановага, таълим-тарбия ишларида йўл қўйган жиддий нуқсонлари учун техникум директорининг ўринбосарлари С. П. Кобзев ва А. А. Эшонхўжаевларга қаттиқ партиявий жазо берилди. Партия йиғилишида коммунистлар аттестацня комиссиясининг баҳосини тасдиқладилар, Октябрь район партия комитетининг бюроси Тошкент гидрометеорология техникумида аттестацнянинг боришини кўриб чиқиб, бошланғич партия ташкилотининг қарорини тасдиқладн.

Шу ўринда техникум партия ташкилотн шаънига ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчимиз. Узоқ вақтдан буён коллективда муҳитнинг ана шу тарзда бўлиб келишига партия ташкилотн ҳам айбдор. Агар у коллектив ўртасида чинакамига обрў-эътиборга эга бўлганида эди, аҳвол бунчалнкка бориб етмас эди. Партия ташкилотининг секретари Т. Тошнёзовнинг иши ҳам аттестацня комиссиясини қаноатлантирмагандан кейин нима ҳам дейиш керак! У техникум партия ташкилотида ўтказилган партия йиғилишларининг қарорларини қандай бажараётгани устидан назоратни бўшаштириб юборган, коммунистларга талабчанлик қилмаган. Район партия комитети бюроси унинг ана шу нуқсонига ҳам партиявийчасига жиддий баҳо берди!

Техникум комсомол комитетининг секретари Ғ. Нмёзалиев ҳам комсомол ишлари билан бўш шуғулланган. Комсомол группалари билан алоқа мутлақо бўшашиб кетган. Улар ўртасидаги тарбиявий ишлар ўлда-жўлда қолиб кетган. Касаба союз комитетининг ранси Л. В. Ильина эса студентлар учун етарлн шарт-шароитлар яратиб беришга эътиборни сусайтирнб юборган. Ўқитувчилар ўртасида етарлича иш олиб бормаган.

Аттестацня комиссняси ва район партия комитетининг бюроси томонидан нуқсон ларга йўл қўйган барча коммунистлар тегишли жазо олдилар.

Яна сўзни мақола бошида тилга олиб ўтган ҳолат билан якунламоқчимиз. Коллективдаги (яъни оиладаги) муҳитга биринчи галда унинг бошида турган кишилар жавобгар. Агар камчилик ва нуқсонлар дастлабки кўзга ташланган пайтнинг ўзидаёқ техникум дирекцняси, партня, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан илгаб олиниб, ўз вақтида муҳокама этилганида, тўғри йўл тутилганида эди, иш бунчалнкка бориб етмаган бўлар эди.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Либослар магазини

Тошкент метросининг Ойбек станцняси ёнида бунёд этилган 9 қаватли турар жой биносининг биринчи қаватида «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослашган фирма магазини фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Корхонанинг янги маҳсулотлари шу ерда намойиш қилинади ва сотилади.

Бунёдкор

№ 10

КУРДВЕЛИНИНГ БАХТИ

«Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 22-қурилиш бошқармасининг коммунистик меҳнат зарбдори Курдвели Заитов етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси коллективи тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди, 25 килограмм электрод, 3 тонна бетон ва бошқа материаллар тежаб қолинди.

Бригада коллективи бугунгача 2 та объектни фойдаланишга топширган эди. Булар Юнусобод массивининг «СБ—3» кварталидаги уч қаватли 1568 ўринли ўрта мактаб биноси ва Луначарский шоссесининг жанубий томонида қад кўтарган 320 ўринли музика мактабидир. Ҳозир худди шу массивнинг ўзида 1251 ўринли ўрта мактаб ва 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бригадада ҳаммаси бўлиб 15 киши ишлайди, Қурувчилар монтажчи, дурадгорлик, бетончи ва пайвандчилик касбларини ўзлаштириб олишган. Улар бир-бирлари ўрнида бемалол ишлай оладилар. Ўзаро мусобақалашиб ишлаётган бунёдкорлар ўзлари қилаётган ишлари билан доимо фахрланиб гапирадилар.

Коллективда йил сайин меҳнат интизоми яхшиланиб, план-топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Қурилиш сифати ҳам анча яхшиланди.

— Мен ўз бахтимни мана шу коллективда топдим, — дейди бригада етакчиси, қрим татари Курдвели Заитов, — шу даргоҳга келганимда эндигина ҳарбий хизматни тугаллаб қайтган йигит эдим. Мени бригада қурувчилари жуда илиқ кутиб олишди. Билмаганларимни ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатишди. Доимо дўстона муносабатда бўлганликлари, ўз касбларини меҳр билан ўргатганликлари натижасида мен илғор қурувчига айландим. Бригадамиз коллективи ниқоятда тотув ва иноқ. Қурувчилар турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлсаларда, худди оғаинилардек ўзаро беллашиб ишламоқдалар. Ўзбек Абдунаби Абдулхонов, қрим татарлари Бекир Патлаков, Қосим Ахмедзяновлар, белорус Алексей Бокусов, украин Анатолий Яковенколар кундалик смена топшириқларини 120—130 процент бажараётган илғор бунёдкорлардан ҳисоблашади.

Бригада бошлиғи Курдвели Заитов 15 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган бунёдкор. У шаҳримиздаги кўпгина маданий-маиший биноларни қуришда актив иштирок этган. Ишни дастлаб оддий қурувчиликдан бошлаган қрим татар йигити ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги туфайли бригада етакчиси бўлди. 22-бошқармадаги бригадалар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи ғолиби бўлди. Курдвели 10 га яқин шогирд тайёрлаган. Шоғирдлар устоз билан ёнма-ён, мусобақалашиб ишлашаётир. Заитовлар оиласида қурувчилар кўпчиликни ташкил этади. Курдвелининг укалари Сейиджелел, Сейидмемет ва Сейидаметлар ҳам унинг бригадасида ишлашмоқда. Бригада эришаётган ютуқларда бу уч ака-уканинг ҳам муносиб улуши бор. Курдвели ўз бахтини меҳнатдан топди. Оилали бўлди. Турмуш ўртоғи Лиля опа икки фарзандни тарбиялаб, воя га етказаётир. Шавкат ва Арсен шаҳримиздаги 58-ўрта мактабда таҳсил кўришади.

Иш вақтининг ҳар бир минутини ғанимат билиб, фидокорона меҳнат қилаётган Курдвели Заитов бригадаси бунёдкорлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейида икки йиллик план топшириқларини адо этган ҳолда ёруғ юз билан қарши олиш ниятидалар.

С. ИКРОМОВ.



Лойиҳа устахоналарида

Замонавий уй

Киров районидаги Энгельс кўчаси бўйлаб янги уй-жой бинолари қурилиши бош планга киритилган эди. Ана шу планни амалга оширш мақсадида «Ташгипрогор» институти мутахассислари тўққиз қаватли турар жой бинолариннинг лойиҳаларини яратдилар. Биноларининг аксарияти кўча юзида қуриладнган бўлганлиги учун уларнинг ташқи кўриниши безагига алоҳида аҳамият берилган. Балконлар замонавий қуёш тўсқич мосламаларн ва қўшимча кичик архитектура безаклари билан жиҳозланадн.


Институтнинг 1-устахонасида ижодий изланаётган архитектор Я. Қодиров, инженер В. Жарскаялар ана шу тўққиз қаватли замонавий уйларнинг лойиҳаси авторн бўлдилар. Улар яратган бино «Қозоғистон» кинотеатри қаршисида — ҳозирда мавжуд бўлган бу ердаги пастқам уйлар ўрнида қад кўтарадн.

Янги уй қурилишида истиқболли ишлар ҳисобга олинган. Бу ерда қуриладнган тўрт қаватли уйлар ана шу кўп қаватли турар жой бинолари билан уйғунлашиб кетадн. Яшовчилар бинога Энгельс кўчасндан кнришадн. Бино 96 квартирали бўлиб, катта ва кичик омлаларга мўлжалланган. Бинонинг биринчи қаватида универсам бўлади, унинг савдо майдони 650 квадрат метрни ташкил этади. Бундан ташқари бу ердан аэрофлот кассаси жой олади. Бинонинг ёнгинасидан мебель магазнни ҳам жой олади. Янги уйнинг теварак-атрофи кичик архитектура формаларн билан безатилади ва ободонлаштирилади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: қуриладнган бинонинг олд томонидан кўриниши ва мебель магазинининг макетн.

Автор фотолари.



Массив чирой очмоқда

Фрунзе районидаги Бошлиқ массивида «Главташкентстрой»нинг 3-уйсозлик комбинатига қарашли биринчи комплекс қурилиш бошқармаси бинокорлари бунёд этган 108 квартирали 9 қаватли 3-уй биноси фойдаланишга топширилди. Бино ташқи кўриниши билан диққатни жалб этади.

Бундан ташқари ана шу микрорайонда 108 оилага мўлжалланган иккинчи 9 қаватли уй-жой биноси ҳам қурилиб фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Кейинги пайтларда шу массивда янги уйлар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Шу кунларда қад кўтараётган иккита 9 қаватли уй ҳам ҳадемай 216 оилани ўз бағрига олади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган кунга тайёр бўладиган бу уйларни 3-уйсозлик комбинати аъзоматлари бунёд этишмоқда. Пардозлаш ишларини эса 2-Пардозлаш трестининг 46-қурилиш бошқармаси бинокорлари бажаришяпти.

Д. ОБЛАЕВ.

Зарбдор қурилиш одимлари

ФИДОКОРЛАР

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида тошкентлик метросозлар яна икки станцияни ҳамшаҳарларимизга топширадилар. Бу билан узунлиги 36,6 километрни ташкил этган 19 станция тинимсиз ишлаб бошлайди. Тошкент метроси қурилишида жуда кўплаб фидокорлар меҳнат қилмоқдалар. Улар шонли юбилей шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олиб ишлашмоқда. Метросоз Рустамжон Ҳолиқов ҳам ана шундай жонкуярлардан. У комсомол йўлланмаси билан Тошкент метроси қурилишига келган эди. Мана шунга ҳам 12 йилдан ошди. Ана шу йиллар давомида Рустамжон ҳақиқий метросоз бўлиб етишди.

...«Сельмаш» станциясидан икки ярим километр ичкари юриб, Рустамжон ишлаётган объектга етиб келдик. Метросозлар катта ҳандақни қазишни давом эттирдилар. Юз метрларча нарида тахтадан қилинган икки-уч вагон бор эди. Кун иссиқ. Рустамжон ҳали тушликка чиқишга улгурмаган экан. У билан объектда танишдик.

— Қурувчи бўлиб адашмаган эканман. Бахтимни шу касбдан топдим, — дейди у қувониб. — Келганимдан икки йил ўтгач, тупроқ қазувчилар, яъни бизнинг тил билан айтганда, лаҳмчилар звеносининг бошлиғи бўлдим. 1977 йили коллектив менга катта ишонч билдириб, партия сафига қабул қилди. Меҳнатим партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. 1981 йилда «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлигн учун» медалини, 1982 йилда эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» унвонини беришди. Мана ўн икки йилдирки, звено бошлиғиман. Ишларимиз оғир, албатта. Лекин мени биринчи навбатда одамларнинг кайфияти қизиқтиради. Ишимизнинг ривожи албатта, ҳар бир кишининг кайфиятига боғлиқ. Звеномизда 16 киши ишлайди. Бу ерда ўзига яраша ташвишлар: иш, план, график, сифат... Биз метро қурувчиларнинг ўз қонунларимиз бор. Кўпроқ территорияни барвақт топширсак деймиз. Масалан, шу икки станцияни ўз муддатидан икки ой илгари — 7 ноябрга қадар топшириш ташаббуси билан чиққанмиз. Биз бунга албатта эришамиз. Бунинг учун барча резервларни ишга соляпмиз. Кўпгина звеноларда универсал ишлаш оммалашиб бораяпти. Тўртбеш киши бажарадиган ишни бир-икки киши эплаяпти. Звеномиз ойлик планларни 125—130 процент адо этмоқда. Бунга биз турдош касбларни пухта эгаллаш, вақтдан унумли фойдаланиш, инсон омилини ошириш туфайли эришяпмиз.. Хуллас, эскича ишлаш бизга ярашмайди, доимо янгилик сари интилмоқдамиз. Ўз ишимизни қайта қуриш ва жадаллаштириш — бугунги куннинг талабидир...

Метрода Рустамжон каби фидокорлар жуда кўп. Унинг тенгдошлари Н. Коньдратев, Р. Резепов, Р. Вагапов ва Қ. Мақсудовлар ўз бурчларини тўғри тушунган ҳолда беминнат, ҳалол меҳнат қилиб, шуҳрат топиб келмоқдалар. Бундай жонқуяр йигитларн ҳамма участкада учратиш мумкин. Масалан, 2-участкада меҳнат қилаётган Қобилжон Ғофуровни олайлик. У ҳам метрога комсомол йўлланмаси билан келган. Икки йил аввал «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Партия ва ҳукуматимизнинг фахрий ёрлиқларини олди.

— Биласизми, ҳозир ҳар бир фурсат биз учун ғанимат, — дейди Қобилжон камтарлик билан. — Ҳаммамнинг фикри-зикри Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига ер ости қасрининг иккн бекатини топшириб, тўёна қилишдир.

Ҳа, бу кунларга оз қолди. Рустамжон, Қобилжон каби йигитлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ана шу қувончли дамларни тобора яқинлаштирмоқдалар.

Р. САПАЕВА.

ЮКСАК СУРЪАТ БИЛАН

«Водстройконструкц ц я» бирлашмасига қарашли Тошкент темир-бетон буюмлари заводи бўлинмаларининг иши ҳақида гап кетганда, меҳнат ва иш ҳақи бўлимидагилар биринчи навбатда бетон қориштиргич узели коллективининг номини илғорлар қаторида тилга олдилар. Коллектив бир маромда ишламоқда, қолип цехларига бетон қоришмасини узлуксиз етказиб бераптн. Сув хўжалиги объектларига ҳам сифатли бетон қоришмалари пешмапеш етказиб берилмоқда. Шуниси қизиқки, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги аёллардир. Улар оператор ва моторист сифатида барча технологик жараёнларни бошқаришмоқда.

Бригадир Валентина Воробьева бетон қориштиргич оператори, Тамара Шитова бетон қоришмасини тайёрлаш учун турли материаллар етказиб беришга жавобгар, Елена Жильцова узелга қум ва шағал қабул қилиб олади, Соня Шевкетова инерт материаллар ҳажмини аниқлайди, Фотима Валиева эса ана шу материалларнинг ўтишини кузатади...

Бригада бир смена мобайнида пландаги 140 ўринга 160 куб метргача бетон қоришмаси ишлаб чиқармоқда.

—Ўз ишига виждонан ёндошиш, катта интизом — муваффақиятимиз гарови бўлмоқда, — дейди бригадир В. Воробьева.

Мана уч йилдирки у ана шу участкада баракали меҳнат қилиб келмоқда. Ўртоқларининг ёрдамида касб ўрганди. Ишчанлиги, жонкуярлиги туфайли коллектив эътиборига тушди. Бригадир сайлаш пайтида ҳамкасблари ҳеч иккиланмай, унинг номзодини кўрсатдилар. Валентина Павловна ўз ишига талабчан, шу билан бирга ўз ҳамкасбларига меҳрибон ҳамдир.

Аёлларнинг ташаббусига биноан узелни тубдан реконструкцнялаш амалга оширилди. Меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш мақсадида чиги операторлик пункти ишга туширилди. Бу ерда узел механизмларини пульт билан бошқариш йўлга қўйилади. Кўп йиллардан буён цемент чанги бу ерда ишловчиларни қийнаб келарди. Чанг тортгичнинг ишга туширилиши туфайли бунга барҳам берилди. Бу хом ашёни беҳуда сарф бўлишнн камайтириш билан бирга ишлаб чиқариш маданиятини ҳам анча оширди.

Воробьева бригадаси реконструкция ишида актив иштирок этди. Бетон қориштиргич узелини темир-бетон заводининг юраги деб бежиз атамайдилар. Унинг бир маромда, юксак суръат билан ишлаши маҳсулот ишлаб чиқаришда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам корхона планторширнқларини муntазам бажариб келмоқда. Бунда В. Воробьева бригадасининг ҳиссаси каттадир.

Ю. КОВАЧ,
жамоатчи мухбиримиз.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Яқин, Ўрта Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида

ҚОҲИРА. Ислом конференцняси ташкилоти Тель-Авив ишғол этган территорияларда яшаётган фаластинлик арабларга нисбатан Исроилнинг террорига қарши норозилик билдирди. МЕНА агентлигининг Жидда шаҳридан хабар қилишича, шу ташкилотнинг Бош секретари Шарифутдин Пирзода Исроилнинг фаластинлик араб халқига қарши ҳамма хил агрессияларини ҳамда босқинчилар Иордан дарёсининг ғарбий соҳили билан Ғазода қилаётган репрессияларни қаттиқ қоралади.

ДЕҲЛИ. Совет кишиларининг ҳинд халқига нисбатан қардошларча ғамхўрлигини юксак даражада қадрлаймиз, деди Ҳиндистон Қизил крест жамиятининг Бош секретари Ажит Бхомик. У СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи Ҳиндистонга юборган ёрдамнинг биринчи туркумини бугун бу ерда Ҳиндистон Қизил крестига расмий топшириш маросимида сўзлади.

Ҳиндистон Қизил крестининг раҳбари Деҳлидаги Совет элчихонаси вакилларига Совет Иттифоқидан юборилган дори-дармон, болалар овқати, чодирлар, кўрпалар, газламалар қурғоқчиликдан жабрланганларга берилади, деди.



Фукхань вилоятидаги Нянчанг шаҳрида истиқомат қилувчи балиқчилар жуда баракали ов қилишади. Ҳар йили Вьетнамнинг дарё соҳил яқинларида миллион тоннагача балиқ маҳсулотларн тайёрлаш мумкин. Мамлакатнинг экспорт маҳсулотларн ичнда балиқ маҳсулотларн салмоқли ўрнн тутади.

ВИА — ТАСС фотоси.

БАТАРЕЙКАСИЗ ИШЛАЙДИГАН ТРАНЗИСТОР

ГФР мутахассислари яратган янги транзисторли прнёмник... батарейкасиз ишлай оладн.

Прнёмник корпусига мнтгина динамомашина ва аккумулятор жойланган. Динамони бир минут мобайнида қўл билан айлантирнш прнёмникнинг бир соат ишлашн учун етарлндир. Бу транзистор айниқса, ўрмончилар, геологлар ва туристлар учун қулай, деб маълум қилади Югославиянинг «Нова Македония» газетасн.

ЁВВОЙИ ЧЎЧҚА ВА САМОЛЁТ

Ёввойи чўчқа Покистон армиясини қиймати ўн миллион доллардан қиммат турадиган Ф—16 жанговар самолётндан маҳрум қилди.

Мудофаа министрлнги хабар қилишига қараганда парвоз йўлкасига чиққан учувчи ёввойи чўчқанн кўрмай қолибдн. Чўчқа билан тўқнашиб кетган самолёт бир сакраб, ерга қулаб тушибдн ва парча-парча бўлиб кетибдн. Ана шу воқеадан сўнг Саргодка ҳарбий базасининг хизматчилари облава ўтказиб, теварак-атрофдаги ўрмонларда юздан зиёд ёввойи чўчқаларнн отиб ўлдирдилар. Бу юқоридагидек ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қилинди, деб хабар қилади «Люд» [Чехословакия] газетасн.

Калейдоскоп

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАСИ

Бизнинг интервью

Қутлуғ кунлар

Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.



Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг улуғловчи қардошлигини улуғлаш бир қўшиқ бор. У доимо катта завқ билан куйланадиган дўстлик қўшиғидир. Биз бугунги кунда ана шу қўшиқни янада кенг даврада куйлаяпмиз.

Ёшим 80 га борди. Сочим оппоқ оқарди. Жуда кўп яхши кунларнинг гувоҳи бўлдим. Тошкентда бўлиб ўтган ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчиларининг дилдаги қутлуғ кунларимиздир. Ҳозирги пайтда турмушимизда ошкоралик, қайта қуриш, жадаллаштириш бораётган экан, ана шу куннинг руҳини акс эттириш мақсадида «Аввали бол, кейини заҳар» деган пьесамни ёзиб театрга топширдим. Бундан ташқари «Саксоннинг сайрони» деган шеърий тўпламимни нашриётга бердим. Бу асарларимда турмушимизда учраган салбий ҳолатларни фош этишга кенг ўрин берилган.

Ҳозирги даврда қорақалпоқ ёзувчилари ўзбек адибларининг тез-тез бориб туришларини истар эдим. Халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар бундан кейин ҳам кенг кўламда баланд парвоз қилиши керак.

«Захматкаш халқ омон бўлсин»

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Муҳамад Алн Бердаҳ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати ҳамдир. Тошкентда ўтган Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари муносабати билан мухбиримизга ўз таассуротларини сўзлаб берди:

— Пойтахтимизда бундай жумманинг ўтказилганидан бениҳоя шодман. Сабаб, биз қорақалпоғистонлик ижодкорлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ижодлари билан танишдик.

Мен Қорақалпоғистонда бир неча бор бўлганман. Ҳар сафар бу ўлкага борганимда у ердаги гўзалликни билан мени афтун этади. Аслида мен Қорақалпоғистон адабиёти билан ёшлигимдан таништман. Уша вақтларда қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз»ини бир неча бор мутолаа қилганман. Вақт ўтиб бу захматкаш халқ тарихи билан яқиндан таништдим. 1972 йилда Қорақалпоғистонда Совет адабиёти кунлари ўтаётган эди. Уша кунларда қорақалпоқ шоирлари Ибрайим Юсупов, Тожиджон Сейтжоновлар билан суҳбатлаша туриб, улар менга халқ эпосларидан бири «Шаҳриёр» эпосини ўзбек тилига таржима қилишни таклиф этишди. Эпосни таржима қилдим. Ана шу таржима учун мен Бердаҳ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Кейинчалик, «Масспошшо» халқ эпосини ўзбек тилига ўгирдим.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда халқ шоирлари билан бир қаторда Тўнгилбой Сарсенбоев, Кенгесбой Раҳмонов, Жиянбой Избосганов, Тўлибой Қобулов, Шовдирбой Сеитов, ёзувчилардан Сафарбой Солиев ва Уразбой Абдураҳмонов каби ижодкорлар самарали ишлашмоқда.

Эндиги режаларим тўғрисида тўхталсак. Қорақалпоқ классикларидан Ажиннёз, Кунхўжа кабиларнинг асарларини таржима қилиш ниятидаман.

Қорақалпоқ халқи ўзи меҳнаткаш халқ. Шу боис мени бу халқнинг меҳнат аҳлига, ёзувчи-ю шоирларига инқилобнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда хормай-толмай меҳнат қилишларида улкан зафарлар тилайман.

Кел...

Фотима МИРЗАБОЕВА

Маъюс кўнглим каби хўмрайди осмон,
Унинг ҳам ғамларми ютгани бордир!
Меннигдек мунғаяр, кўзлари нолон,
Унинг ҳам меннигдек кутгани бордир...

Бирдан қуёш чақнаб, олам яшнади,
Булутлар потради, мусаффо осмон.
Кўкдай чарақлай, деб кўнглим шошади,
Кел, бағрнинг бунчалар бўлмаса тошдан...

Тўлқин

Ҳар лаҳзада ҳар қайсиси бир дунё бўлиб,
Тўлқин бўлиб умр отлиғ улуғ дарёга
Ер юзидан норасталар туғилиб ётар...

Борлиқларни тозартади тинимсиз тўлқин,
Ювa олмас янглишган ул изларни фақат...

Қорақалпоқчадан ОТАЁР таржималари.

Армонсиз...

Соғиндиқ ЕМБЕРГАНОВ.

Армонсизман дейди баъзи инсонлар
Мол-дунёсин мақтаниб, кўз-кўз этиб,
Армонсизман дейди тенгсиз жононлар
Севганига етишганин дилсўз этиб,
Армонсизман деб севинар бефарзандлар
Гар уйнда гўдаклари ширин кулса,

Армонсизман дейди она жигарбандлар —
Ўғилларга вафодор келин келса.
Армонсизман деб айтади жўраларим,
Одамларда армоним йўқ сўзи яхши.
Келажакка ишонч билан қараганда,
Орзу-армон бор бўлгани ўзи яхши.

Булоқлар

Тог-тошлардан пастга томон пилдираб,
Оқиб ётар жимир-жимир оқ булоқ,
Тошқин сойга қўшилар у бир кунн,
Ела бошлар сой бағрида шўх, қувноқ.
Соҳилда мажнунтоллар зап яйрайди

Сой сувларн сочларнни хўп тарайди.
Улкан дарё қучоғига етганн дам
Булоқ сувн бир мавж бўлиб сакрайди.

Қорақалпоқчадан
Темур УБАЙДУЛЛО таржималари.

Жолғасбой ХОШНИЯЗОВ

Сен мени танимадинг

Ўлгонишн тўлқинларга ўхшаган,
Энапар кўнгилда дийданг тусаган,
Армонингни қанот қилиб учирган
Ўшинг бўлгим келиб эдн.
Ўшқларинг қарашганн-қарашган,
арансанг сен йнгитларга тор осмон.
ебранкшн чаманингга ярашган,
улинг бўлгим келиб эдн.
йтарлик кўп зўр эмасман сўзга мен,
Игри-бугри йўллардан ҳам ўзга мен,
адр айлаб пинҳон турар сўзга мен,
Сирнинг бўлгим келиб эдн.

Ибо деган мартабангни оширар,
Сенинг кўркинг гўзаллнкни тоширар.
Қарашлари кўнгилларин тоширар.
Нурнинг бўлгим келиб эдн.
Улкан армон келар менга яқнлаб.
Уз бағрнга тортиб кетса зпиллаб.
Сенинг учун ёнадиган лнпиллаб,
Шамнинг бўлгим келиб эдн.
Ифор сочган гул атрндай сочнигга.
Нозиклигни нақш бўлгандир бошнигга,
Сенн билан мангулнкка қошнигда
Ўзнм бўлгим келиб эдн.
Сен менн танимадинг.

Қорақалпоқчадан
Қамбар УТАЕВ таржимаси.





Қардош қорақалпоқ диёрининг азамат кишилари Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. Улуғ тўйга тайёргарликни ҳар бир қадамда учратиш мумкин. Нукусдаги пионерлар саройида ишлаб турган Индира Ганди номидаги интернационал дўстлик клуби аъзолари қардош мамлакат халқининг маданиятини иштиёқ билан ўрганишади.

СУРАТДА: клуб аъзолари, Карл Маркс номидаги мактабнинг ўқувчилари Зулфия Тўраева ва Ойгул Бекембетова.

Берунийдаги пахта тозалаш заводининг коллективи янги пахта ҳосилини қайта ишлай бошлади. Корхонада шу йилнинг ўзида 55 минг тонна пахта ишловдан ўтказилиши керак.

СУРАТДА: корхона лаборанти Маҳфуза Сотимова.

А. Мирзажонов фотолари.

Табиат-инсон онаси

КУЗ ФАСЛИНИНГ ШАРОФАТИ

Куз фаслининг иккинчи — октябрь ойи ғарқ пишиқчилик даври ҳисобланади. Бу ойда шаҳримиз атрофидаги боғ-роғларда, ҳовли-жойларда, томорқаларда турли-туман мева-чевалар, полиз экинлари пишиб етилиб, «куз неъмати — қиш ғанимати» деб хирмонларга, омборларга, хўжалик маҳсулотлари сақланадиган жойларга йиғиб-терib қўйилади.

Октябрь кузнинг энг авж олган палласи бўлиб, 21 сентябрда бошланган мезоннинг кўп кунлари шу ойда ўтди. 21 октябрдан эътиборан ақраб кириб келади. Кузнинг бу ойида кунлар янада қисқариб бориб, гўё «бир тутам» бўлиб қолгандек туюлади, натижада тун бир соату 19 минутга узаяди.

Куз фаслида шаҳримиздаги ҳаваскор боғбонлар, гулчилар, сабзавоткорларнинг иш-юмушлари кўпаяди. Боғ-томорқалардаги жами ҳосилни йиғиб-териб олиш, ҳар хил уруғларни тайёрлаш, ерни чопиб шудгорлаш, кўчат экиш, пайвандлаш, хазонларни йиғиб олиш, ариқ-зовурларни тозалаш, керакли асбоб-анжомларни саранжом-саришта қилиш каби юмушлар бажарилади.

Шаҳримизда ҳар йили октябрь ва ноябрь ойларида кўчат ўтказиш яхши анъанага айланган, бу йил ҳам шаҳримизнинг кўплаб хиёбонларига, кўчаларига, сув иншоотлари соҳилларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Бу анъанавий кўчат ўтқазиш ойлигида ҳар бир район, ҳар бир маҳалла, ҳар бир корхона жонбозлик кўрсатиши керак. Янги ташкил топган Тансиқбоев, Бошлиқ массивларининг кўча ва майдонларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тошкентни серқуёш, сўлим ва гуллар шаҳри деб бежиз айтишмайди. Шаҳримизнинг минглаб хиёбон-майдонларидан гулзорларда эрта баҳордан кеч кузгача, ҳатто биринчи қор ёққунча турфа гуллар чаман бўлиб, чўғдек очилиб туради. Бунда шаҳримизнинг гулчи-агрономларининг катта ҳиссалари бор.

Куз ойининг бу йилги рафтори ўзгача келдики, ҳавода тез-тез булутлар карвони кезаяпти, қиш нафаси эсиб келяпти. Ҳозирги долзарб кунларда «оқ олтин» далаларида пахта йиғим-теримн авжига чиқди. Тошкентликлар Улуғ Октябрь байрамининг 70 йиллиги шодиёнасига «оқ олтин»дан улкан хирмон тайёрлаш иштиёқи билан пахтазор далаларда катта ҳашар ўтказмоқдалар. Белинда қуввати, билагида кучи бор ҳар бир соф виждонли киши ўз ўрнини пахтазорда деб билмоқда. Октябрь ойининг ҳар куни, ҳар соати, ҳар дақиқаси қимматлидир. Зотан, бободеҳқонларимиз баҳор, ёз, куз бўйи не-не машаққат-меҳнатлар билан яратган мўл-кўл ҳосил қор-ёмғирли кунларга қолмаслиги керак. Аҳир бир қисм пахтада қанча меҳнат, қанча машаққат, деҳқоннинг қанча юрак ҳарорати-муҳаббати бор. Бир қисм пахтада — бир олам ризқи-рўзимиз бор. Шундай экан, она табиат инжиқликларига қарамай, ҳар бир шаҳарлик мардонавор меҳнатда — пахта теримда жонбозлик кўрсатиши лозим!

«Оқ олтин» хирмонимиз, кузнинг турфа ноз-неъматларидан безанган дастурхонимиз қанча тўкин ва мўл-кўл бўлса, ҳаётимиз шунча фаровон, турмушимиз шунча нурафшону-мунаввар бўлаверади.

Олтин кузимизнинг латофати каби ўзи ҳам шарофатли бўлсин, тўкин-сочинлик, омонлик, фаровонлик келтирсин. Буларнинг ҳаммаси меҳнатимизга, жасорат ва матонатимизга боғлиқдир.

Боғ-томорқа юмушлари

ҲОСИЛ ХИРМОНИ

Октябрь ҳаваскор сабзавоткорлар учун тиғиз ой. Сабзавот экинлари ва картошка ҳосили, шунингдек, узум ва бошқа меваларни йиғиштириш бу ойдаги муҳим ишлар саналади. Обҳавонинг қандай келишига қараб помидор, қалампир, бақлажон, патиссон каби иссиқсевар экинлар ҳосили тўла-тўкис йиғиштириб олинади. Айни пайтда сабзавот маҳсулотларини консервалаш ва зираворлар қўшиб сиркалаш тугалланади.

Картошкани йиғиштириш куздаги муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Қишда сақлашга мўлжалланган кечки картошка одатда тўла етилиши билан йиғиштириб олинади. Негаки яхши етилмаган ҳосил ёмон сақланади. Шу боисдан кечки картошкани йиғиб олиш ёғинли кунлар бошланиши ва совуқ тушишига қадар тугалланиши керак. Йиғиб олинган картошкани саралаб, майдасини — майдага, йириғини — йирикка ажратиш, шундан кейин офтобда қуритиш даркор. Негаки, офтоб нури картошкага дизенфекция таъсири кўрсатади. Бундай картошка яхши сақланади. Ёғинли кунларда йиғиштириб олинган картошкани бостирма остида 2—3 кун қуритиш керак.

Октябрь ойи охирида илдизмевали сабзавотларнинг ҳосилини йиғиштириш бошланади. Дастлаб ош лавлаги йиғиб олинади. Бунинг боиси шундаки, у совуқдан бошқа илдизмевали сабзавотларга қараганда кўп зарар кўради. Совуққа чидамлироқ бўлган сабзи, турп ва шолғом ноябрда йиғиштириб олинади. Илдизмевали сабзавотларнинг ҳосилини йиғиштиришда уларга шикаст етказмасликка ҳаракат қилиш керак, чунки шикастланган илдизмевалар яхш сақланмайди ва касалликка тез чалинади. Улар йиғиштириб олинишн билан палаги қирқиб ташланиши керак, акс ҳолда ўсимлик палаги илдизмева ширасини сўриб олиб, сақлашга яроқсиз қилиб қўяди. Бундан ташқари, йиғиштириб олинган илдизмеваларни далада жўякларда узоқ вақт қолдириш ярамайди. Улар қуёш нури ва шамолда сўлиб қолиши мумкин.

Сабзавот экинларидан бўшаган ерларга органик ўғитлар солиб, ағдариб чопиб қўйиш керак. Айни пайтда ерни қишолди экишга (тўқсонботи) тайёрлашни ҳам унутманг. Бу сабзавотлардан келаси йил эрта муддатларда ҳосил етиштириш имконини беради. Октябрь ойида токзорлар ва боғларда ҳам иш кўпаяди. Олма, нок, беҳи ва бошқа мевалар оммавий равишда йиғиб олинади. Узумни йиғиштириш ҳам ниҳоясига етади. Токларни кесиш ва тартибга келтиришга киришилади. Шундан кейин улар кўмилади.

Октябрда мевали дарахт ва ток кўчатлари экиш учун ер ажратиш бошланади.

А. УМАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент.

ОКТЯБРЬ—ДУНЁ БЎЙЛАБ

Олтин кузнинг иккинчи — октябрь ойи дунё бўйлаб кезганда, табиат турли жойларда ҳар хил бўлади. Диёримизда қиз-ғин йиғим-терим ишлари авж олган шу паллада Шимолий ярим шарда ҳақиқий куз ҳисобланади. Тундрани, тайганинг қарағайзорларини қор қоплайди. Октябрь охирига бориб Ватанимизнинг Европа қисмида, буғун Сибирда ва Канадада кўп қор ёғади.

Ватанимиз Европа қисмининг мўътадил минтақасида, Олтой жанубида, Шимолий Американи нг Улуғ кўллар районида кеч куз бўлади, дарахтлар барги тўкилиб, қор ёғади, зирк дарахтининг мевалари пишади, ҳашаротлар кўринмай қолади, қушлар кўчиб кетади. Тулки, олмахон ва қўёнлар туллайди, қишки бароқ «пўстин»га алмаштиради.

Шимолий Америкадаги Аппалачи тоғларининг манзараси яшнаб кетади, Кўктоғ, Қоратоғ ва Яшилтоғларда ҳар хил дарахтлар рангоранг товланади. Ўрта денгиз соҳилларидаги ўлкаларда, Кичик Осиёда, Дажла ва Фрот дарёлари ҳавзаларида, Эронда ва Ўрта Осиёда ёғингарчилик даври бошланади.

Сайёрамизнинг жанубий ярим шарида октябрь ойида айни баҳор фасли бўлади. Оловли Ер оролида ҳаво салқин ва қуруқ келади. Чилининг жанубида эса баҳор салқин ва нам бўлиб, дарахтлар яшил либосга бурканади. Октябрда Африка жанубида, Анғола ва Шимолий Родезияда ёмғирлар ёғиб, майсалар ўсиб чиқади, Африканинг чекка жанубида баҳор кучга киради, Австралиянинг энг шимол томонларида ҳам баҳорги ёмғирлар бошланиб кетади.

Қуёш, барча осмон жисмларининг фалакдаги ҳаракатлари билан она сайёрамиз қитъаларида турли фаслар ўз жамолини кўрсатаверади.

Ҳар тўғрида

Сунъий ороллар

Японияда сунъий ороллар устига қурилажак микро шаҳарчалар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мутахассисларнинг тасдиқлашича, бу йўл билан амалга оширилади ган ишлар мамлакат пойтахтнин аҳолн зичлигни муаммосидан халос этади. Ороллардан бирида савдо маркази ва дам олиш зонаси жойлаштирилса, бошқа бирини ҳукумат ва турли муассасалар эгаллайди. Ёки учинчи орол фан ва маданият маркази бўлса, яна бошқасида меҳмонхоналар комплекси билан бирликда аэропорт жойлашади.

«Куйловчи» қумликлар

Байкал соҳилларидаги «куйловчи» қумликлар давлат назоратн остига олинди.

Ҳаво очиқ кунларигина бу ерда қумликлар «куйлашини» тинглаш мумкин. Бу куйлар қирғоқларнинг турли жойларида турлича оҳангларда «янграйди». Масалан, «Муқаддас бурун» деб аталган жойда бўлган одамнинг қулоғига узуқ-юлуқ оҳанглар эшитилса, Ольхон ороли яқинида ва Селенга дарёси ирмоғида куйининг жозибаси янада ўзгага хос.

Лекин соҳилда эвенк тилида «Жаранглаб куйловчи қум» деб аталувчи Турали деган жойда янграйдиган оҳанг нисбатда бетакрор. Бу ерда шабада турган ва тўлқин ўйнаган кезларда моҳир ғижжакчи худди ўз маҳоратини намойиш этаётгандек ажиб куй тараладн.

«Кеша оч қолди...»

Волгоградлик қуш ҳаваскори А. Дорофеев ўз ҳаётидан қизиқ бир воқеани ҳикоя қиладн: «Бизнинг хонадонда Кеша деб номланган тўтиқуш яшарди, дейдн у. Кунларнинг бирида фавқулодда ҳодиса рўй бердн. Биз Кеша билан бирликда машинада борардик. Бир жойда тўхтадигу, машинадан тушдик. Эшикни ёпиб қўйиш ёдимиздан кўтарилибди. Шу аснода тўти ташқарига учиб чиқиб кетибди. Уни роса қидирдик. Ҳаракатларимиз ўз-ўзидан зое кетди. Бошқа кунн кечки пайт тўсатдан хонанинг очиқ деразасидан биз йўқотиб қўйган Кеша учиб кирди-ю, хотинимнинг елкасига қўниб, «Кеша оч қолди... Кеша оч қолди...» деганича такрор-такрор «жавраб бошладн».

«Хитой андуҳи»

XXРда катталнги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Хуанхэ дарёсинн унинг ўзига хос бетизгинлигни туфайли «Хитой андуҳи» деб ҳам аташадн.

Эрамизгача бўлган олтинчи асрдан буён ўтган давр мобайнида Хуанхэ дарёси 26 марта ўз ўзанини ўзгартирган, тахминан бир ярим минг марта қирғоқларидан тошган, натижада аҳолига беқиёс изтиробларни келтирган.

Бунинг олдини олиш учун сўнгги 40 йил давомида дарёнинг айрим жойларига туташ ерларда ўн метр баландликдаги дамбалар ва қирғоқлар учун сарфланган ишлар ҳажми Панама каналига сарфланганидан уч баравар, Суэайш каналининкидан эса икки баравар кўпдир.

Тўпловчи М. МЎМИНОВА.

Ўсимликлар оламида

АНАНАСЛИ КЎЙЛАК

Маълумки, ананас ўзининг хушхўр, қулупнай таъмли мисоли мевалари билан танилган табиат неъмати ҳисобланади. Қизиғи шундаки, Филиппиндаги маҳаллий аҳоли ананаснинг баъзи турларининг мевалариди баҳраманд бўлишлари билан бирга, унинг барглари асосида ниҳоятда пишиқ кийим-кечак матоси — жусни оладилар. Жуснинг афзаллиги — унинг пишиқлиги бўлибгина қолмасдан, балки ўзидан яхши ҳаво ўтказиши, осон ювилган сари жилосининг ортиши, қайишқоқлиги билан қоматни ихчам тутишидир.

Филиппинликлар жус матоли кийим-кечаклар билан ораланиб, турли байрамларни ўтказишга ҳаракат қиладилар.

ЕНҒОҚЛАР ЕНҒОҒИ

Ҳиндистоннинг Мадҳья-Прадеш штатида археологлар ғалати топилманинг гувоҳи бўлдилар. Улар томонидан бундан тахминан етмиш миллион йиллик кокос ёнғоғининг тошга айланган намунаси атрофлича ўрганилди. Аниқланишича, ўша кўхна замонлардаги маҳобатли ёнғоқнинг ички манзараси ҳозирдаги ёнғоқлардан деярли фарқ қилмас экан. Ёнғоқ билан бирга топилган, тош-қотган дарахт шохлари асосида «бобокалон» кокос ёнғоқ дарахтининг асл сиймоси тоштарашлар томонидан қайта тикланиш режалари бор.

САБЗИДАН МУМТОЗ САБЗИ...

Маълумки, табиат неъматлари орасида сабзи ўзида шифобахш омиллар сақлаш бобида ажралиб туради. Чунончи унинг илдизмеваси таркибида кўз фаолиятига уруғ бера оладиган каротин, яъни киши организмида витамин А га айланадиган модда салмоқли бўлади. «Интернэшнл геральд трибюн» газетасининг берган маълумотларига қараганда, америкалик олимлар жуда ажойиб сабзи навини яратишган бўлиб, унинг номини «Бета—3» деб қўйишган. Мазкур нав сабзи таркибидаги каротин миқдори ҳозирда кенг кўламда экиб ўстирилаётган сара навларга нисбатан ўн баробар кўп шифобахш омил сақлайди.

«Бета—3» ҳозирда бир қатор мамлакатларда, айниқса Жанубий Осиё, Марказий Африка зоналарида иқлим алмаштирилишига ҳаракат қилинмоқда. Чунки мазкур ерлардаги маҳаллий аҳоли ўртасида кўз ногиронлиги жуда кўп учрайди.

М. НАБИЕВ,
доришунос.



«Уч баҳодир чинорлар» Р. Шарипов фотоэтюди.

«ҚЎШИҚДАГИ ҚУДУҚЛАР»

1956 йил апрель ойи эди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳрода кон қидириш мақсадида «Главгеология» бошқармасининг Краснохолмск экспедициясига қарашли Советобод геология-қидирув бўлинмаси геологлари Марказий Қизилқумга келадилар.

Ўша вақтда Советобод кон қидириш партиясига тажрибали геолог, кейинчалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофоти лауреатига сазовор бўлган А. А. Петров бошчилик қиларди.

Томдиқудуқ атрофида иш олиб бораётган Равшан Усмонов отряди қанчалаб қум барханларини кечиб ўтиб, ҳозирги қўшиқ бўлиб айтилаётган қудуқларнинг ён-атрофларига келиб қоладилар ва бир кеча чодирларини тикиб ўша ерда тунашарди. Ўша кунги тунашда улар ажойиб воқеанинг шоҳиди бўлишади.

Эрталаб ўрнидан турган геолог Холмурод Каримов ён-атрофларида пайдо бўлиб қолган сунъий қум тепаликларидан ҳайратда қолади.

Саҳро эрталаб ҳам салқин эмасми, ўша сунъий қум уюмлари ён-веридан буғ чиқаётганини кўриб она табиатнинг чинакам бунёдкорлигида мўъгул амалдорлари ва босқинчиларига қарши курашиб, уларни Қизилқум дашти биёбонларига улоқтириб ташлайдилар. Археолог, палеонтолог, геофизикларнинг маълумотларига қараганда, топилган учта қудуқ ўша даврларга тўғри келаркан.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Анвар Қамбаровнинг шарҳлашича, қудуқларга ишлатилган керамик буюмлар ва сув чиқариш чиғириқлари қолдиқлари XIII асрга оид экан.

Бугунгача кўпчилик қудуқларнинг нима билан қазилганлиги, қандай қурилиш материаллари билан жиҳозланганлиги қизиқтириб келарди. Маълум бўлишича, улар оддий қўл меҳнати билан қазилган, ичидаги тупроқ, қум, шағаллар ташқарига меш қопларда чиқарилган. Қудуқларнинг ўртача чуқурлиги 190—210—220 метрни ташкил этади. Ҳақиқатдан ҳам геологлар, геофизиклар, гидрогеологлар ўттиз йиллар муқаддам, бу ерда топган қудуқлар шаҳар қурилишига асос бўлди.


Эндиликда Учқудуқ шаҳрига кираверишда қудуқлар тепасида Шарқ услубида қурилган учта арк савлат тўкиб турибди. Ҳар бир арк остидаги қудуқ эса янгитдан жиҳозланиб қайта қазилган. Унинг ёнида кичик мармар ҳовузга «Кама—20» маркали насос ўрнатилган бўлиб узлуксиз сув оқиб турибди.

Бронзадан ясалган тахталарда бўлса, Қизилқум саҳросидан олинаётган Д. И. Менделеев Даврий системасидаги химиявий элементлар номи ўйиб тасвирланган. Бу «Қўшиқдаги қудуқлар» ёдгорлигидир. Унинг муаллифлари Москва (МАИ) архитектура институтини тугатган Андрей Лебедев ва Учқудуқ шаҳрида туғилиб ўсган, Бутуниттифоқ инженерлик-қурилиш институтининг дипломанти Эдуард Дубсдир.

Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, композитор Евгений Ширяев бу қудуқлар ҳақида «Учқудуқ — Три колодца» қўшигини яратгандан сўнг Марказий Қизилқумдаги Учқудуқ шаҳри Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам танилди.

Бу қўшиқ ҳозирда саҳроликларнинг эрталабки гимнастика қўшиғи бўлиб, радио карнайларидан жаранглаб узоқ чорва ўтовларигача эшитилиб турибди.

К. МУСАМУРОДОВ.



«Тошкент куранти»

Р. Шарипов фотоси.

Мўъжизасиз-мўъжизалар

«Ҳасан-Ҳусан ёйи»нинг сири

Ҳурматли редакция! Баҳор ва куз ойларида ҳавода, баъзан шаҳримиздаги катта фонтанларда камалакнинг етти хил ранги жозибали товланиб кўринади. Буни Ҳасан-Ҳусан ёйи деб ҳам аташади, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Оловиддин АЛИЕВ,
Тошкент темир йўл ишчиси.

Дунёда кўпгина мўъжизали воқеа-ҳодисалар борки, уларни синчиклаб ўрганганда ҳеч бир сирли ёки илоҳий томони бўлмай, ҳаммаси она табиат билан боғлиқ ҳодисалар эканлиги равшанлашади. Бир ривоятга кўра, Али деган халифанинг эгизак ўғли — Ҳасан ва Ҳусан камондан ўқ узишганда, ўқ ёйлари ҳавода кўзни қамаштирар даражада товланиб, ранг-баранг нур тараташ экан. Осмон гумбазида ҳосил бўладиган камалак шундан «Ҳасан-Ҳусан ёйи» деб аталган эмиш.

Бу бир ривоят, осмон ҳодисасини ўша Алининг ўғилларига нисбат бериб, номини улуғлашга қилинган ҳаракат дейиш тўғрироқ бўлади. Аслида камалак осмон гумбазида ранг-баранг ёй тарзида пайдо бўладиган етти хил рангли оптик ҳодиса эканлиги жуда қадимдан маълум.

Камалак қуёш уфқдалигида ярим доира, қуёш кўтарилганда ундан кичикроқ шаклда кўринади. Агар қуёш уфқдан 45 даража баландда бўлса камалак уфқнинг орқа томонига ўтиб кетиб, кўринмайди.

Камалак одатда осмоннинг қуёшга тескари томонида ёғаётган ёмғирга қуёш нурлари тушишидан ҳосил бўлади. Биз камалакни олдимизда ёмғир ёғиб, орқа томонимизда қуёш чиқиб турган пайтда кўрамиз. Бунда шартли равишда, кузатилаётган камалак маркази кўёшга қарама-қарши томонда, яъни қуёш гардиши ва кузатувчининг кўзи орқали ўтувчи тўғри чизиқ билан белгиланган томонида бўлади. Камалакнинг тузилиши ҳам жозибали: ташқи томони қизил рангда бўлиб, сўнг қуйидаги тартибда алмашиниб боради: тўқ сариқ, сариқ, яшил, зангори, кўк, ниҳоят ички қисмида бинафша ранг жилва қилади. Бу ҳодисада баъзан камалакнинг ички қисмида иккиламчи камалак ҳам ҳосил бўлиб туради.

Табиатнинг бу чиройли ҳодисасини ўрганиш дастлаб XVII асрда бошланган бўлиб, 1637 йили француз олими Ж. Декарт илк бор назария яратган. Унинг фикрича, қуёш нурларининг сув томчилари сиртида бирламчи синиши, ундан қайтаётганда иккиламчи синишида камалак ҳосил бўлади. 1836 йили инглиз астрономи Ж. Эри, XIX аср охирларида австриялик геофизик Ж. Пернтер камалак ҳодисаси ҳақидаги назарияни ривожлантирдилар. Уларнинг тадқиқотларича, бу назария дифракция ва интерференция ҳодисаларига асосланган бўлиб, бунда ёмғир томчилари ҳосил қиладиган тўр қуёш нурлари таъсирида камалак пайдо қилади.

Олимларнинг аниқлашларича, энг чиройли камалак ёмғир томчиларининг диаметри 0,5 миллиметрдан 1 миллиметргача бўлган вақтда ҳосил бўлишини кўрсатди. Яна шу нарса маълум бўлдики, ёмғир томчилари қанча майда бўлса, камалак шунча хира тортиб кетади.

Ҳасан-Ҳусан ёйи қуёш нури, об-ҳаво, ёмғир ва буларнинг «жонли» ўйинидан ҳосил бўладиган ҳодиса ҳисобланиб, унинг ранг-ранг товланиши киши руҳиятида яхши кайфият, она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотади.

Т. АШРАПОВ
тайёрлаган.

Полизимиз неъматлари

Қовоқ – сабзавотлар полвони

Қовоқ полиз экини бўлибгина қолмай, шифобахш ўсимлик сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг тузилиши кўпчиликка маълум. Новдаси туклар билан қопланган, барглари панжасимон, меваси турли шаклларда бўлади.

Археологик текширишларда қовоқ милоддан аввалги биринчи минг йилликдан бошлаб экиб келинганлиги аниқланган. Қовоқнинг келиб чиқиш жойи Бразилия бўлиб, у ердан Ҳиндистонга келтирилган ва кейинчалик дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалган.

Республикамизда қовоқнинг 50 га яқин тури мавжуд. Унинг бир тури бўлган ошқовоқнинг мускад қовоқ, йирик қовоқ, ойим қовоқ, дастор қовоқ, кулча қовоқ, картошка қовоқ, томоша қовоқ сингари навлари бор.

Қовоқ айни пайтда гарқ пишиб етилган озиқ-овқат маҳсулотлари қаторидан муносиб ўрин олган, ошқовоқдан сомса, манти сингари турли лаззатли ва тўйимли таомлар тайёрланади.

Ошқовоқ ҳам неъмат, ҳам шифобахшдир. Ундан халқ табобатида йўтал, кўкрак ва томоқ огриқларини даволашда фойдаланиб келинмоқда. Бинобарин, унинг таркибида қанд, оқсил, аскорбин кислотаси (С витамини), пектин ва бошқа моддалар бор. Унинг эти, уруғи ва ёғи турли хасталикларга шифо. Масалан, ошқовоқни қайнатиб тановул этилса, йўғон ичак яллиғланишига даво бўлади. Мевасидан олинган шира ангина касаллигини даволашда наф келтиради. Табобат илмининг бобоколони Абу Али ибн Сино ошқовоқдан олинган шира қаттиқ тиш огриғини қолдириши, асал билан қайнатилгани эса ични юмшатиши ва чаноқни қондиришини айтиб ўтган.

Ошқовоқнинг уруғи ҳозирги пайтда кенг қўлланилмоқда. Уруғи таркибида ёғ, аминокислота бор. Ҳатто, уруғининг нўноши қобиғи ҳам шифодир. Унинг уруғидан гижжага қарши дори тайёрланади, дорихоналарга махсус тайёрланган ошқовоқ уруғи чиқарилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

(«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 22 октябрда чиқади).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/X да **Тоҳир ва Зуҳра**, 21/X да **Қуш кўли**, 22/X да **Аноч**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 20/X да **Ғайрат**, 21/X да **Аризасиз кўриб** да **Ғийбат**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/X да **комедиялардан сақнаси** да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШЛАР ТЕАТРИ «ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/X да **Узоқ қишлоқ**.

Кино

20 ОКТЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАМ» (кичик зал, 17, 20.30); «ГАМ» (катта зал, 19.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ДОҚ» (жуфт соатларда).

Чайка — «БОББИ» «ҚУЛФБУЗАР» (19.15).

F. Ғулом номли — «НА ХАТО» (20.00).

С. Раҳимов номли — «ЛАЖАК САРИ» (жуфт соатларда).

Восток — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (18.30, 21.00).

Дружба — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (17, 20.30).

Тинчлик — «КУРЬЕР» (18.30, 21.00).

Ҳамза номли — «ОҚ БЛАНКА» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ЙЎЛ ТОМОНДА, КЎЛДА» (тоқ соатларда).

Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КЎЗ ЁШЛАРИ ОҚМАЙДИ ДАГИ ИККИ КИШИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ватан — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Нукус — «ҲАҚИҚАТ МИЛЛИОНЕР ВА ГЎЗАЛЛИК» (17, 20.30).

Москва — «ПАРОМАД» (18.30, 20.30); «ҚИЗ УЧРАШУВГА ШИЛМОҚДА» (16.00).

Қозоғистон — «ҚУЛФБУЗАР» (18.00); «ЧАККИГА ДАЛИ» (19,, 20.00).

21 ОКТЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЙИЛДАН КЕЙИН, МАЙДА» (жуфт соатларда).

Чайка — «ҚУЛФБУЗАР» (тоқ соатларда).

F. Ғулом номли — «ГИНА ХАТО» (11, 14, 20.00).

С. Раҳимов номли — «ЛЯЦИЯ» (жуфт соатларда «БОҒБОН» (12.00).

Восток — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (11, 13.30, 16, 21.00).

Дружба — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (11, 14.10, 17, 20.30).

Тинчлик — «ЮЗ (ЙЎЛ КЕЙИН, МАЙДА» (тоқ соатларда).

Ҳамза — «БЎЙДОҚ» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ЙЎЛ ТОМОНДА, КЎЛДА» (тоқ соатларда).

Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КЎЗ ЁШЛАРИ ОҚМАЙДИ ДАГИ ИККИ КИШИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ватан — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Нукус — «ШЕРИФ ЛАЙЛИ ТЕРГОВЧИ» (тоқ соатларда).

Москва — «КЕЧИР» соатларда ва 20.40 да).

Қозоғистон — «ҚУЛФБУЗАР» (11, 18.00); «ВОҲ НИМНИНГ СИРЛАРИ» (10, 16, 19, 20.00).

«ЧАККИГА ДАККИ» (12, 18.

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-38.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисунов номли — 96-44-52.

ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.

Дружба — 67-96-87.

Кинолаштириш бошқармаси 33-37-11.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» класси 3 зонаси лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

25-26 октябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «РУБИН» (Тюмень).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, душанба — пайшанба кунлари 18.30 да бошланади.

Танаффус вақтида спорт буюм лотереяси тиражи ўтказилади. Тиражда мотоциклар, мопедлар, велосипедлар, телевизорлар, магнитофонлар, чинни ва бошқа совғали спорт тренажерлари ўйнайдилар.

Спорт-буюм лотереяси билетлари кириш билетлари билан бирга «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассаларида сотилади.

Справкалар учун телефонлар: 46-07-53, 46-65-[illegible] администратор: 46-03-12 ёки 70-31 — касса.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Узгипрозем» институтининг КАРТОГРАФИЯ ФАБРИКАСИ **нақд пул эвазига қуйидагиларни тайёрлаб бериш юзасидан БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

муқовалаш ишлари (китоблар, диплом лойиҳалари); тўй ва оила тантаналарига таклиф билетлари;
табрик адреслари;
визит карточкалари;
авторефератлар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Муқимий кўчаси, 182-уй. Телефонлар: 78-55-70, 78-55-40.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГАРАЖЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИРЛАШМАСИ

Хўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан ҚАЙТА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Киров районидаги 12- ва Куйбишев районидаги 92-автомобиль турар-жойларида автомобилларни қўриқлаганлик учун ҳақ тўламаётган кишиларнинг хўжасиз гаражлари мавжуд.

Ана шу гаражларнинг эгалари қуйидаги адресга келиб учрашишларини сўраймиз: Новомосковская кўчаси, 23-уй, Гараж эгаларидан ҳужжатларини қайта расмийлаштириш ва йиғилиб қолган қарзларни тўлаш талаб қилинади.

Гараж эгалари тегишли адресга келиб учрашмаганлари тақдирда мазкур гаражлар бузиб ташланади ва қонунда кўрсатилган тартибда сотиб юборилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ДОСААФнинг ТОШКЕНТ БИРЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ **450 соатлик программа бўйича радиотелемастерлар тайёрлаш группаларига**

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПРОГРАММАДА:

электрорадиотехника асослари:

1, 2, 3 класс эшиттириш приёмникларидан фойдаланиш ва уларнинг ремонти асослари;

турли класслардаги оқ-қора тасвирли телевизорларнинг қурилиши ва ремонти асосларини ўрганиш кўзда тутилган.

Группаларга хусусий тарзда, шунингдек қизиққан бошқа ташкилотлардан таълим программасини ўзлаштиришга лаёқатли, ёши ва жинсидан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.

Программани муваффақиятли ўзлаштирган кишилар рангли телевидение программаси бўйича малака ошириш курсларига киришда имтиёздан фойдаланадилар.

Набатдаги группаларда машғулотлар — 2 ноябрда ва 1 декабрда бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Орол кўчаси (метронинг — «М. Горький» станцияси). Телефон 67-29-20.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 3-сил касалликларига қарши диспансернинг йўқолган
УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ ВА ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ҚАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАЙСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Турист» ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ

1988 ЙИЛ УЧУН ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАРГА

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ


Путёвкалар сотиш бюроси билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш — туристик путёвкалар харид қилишнинг энг осон усулидир. Бундай вақтда корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар бутун йил мобайнида путёвкалар билан тўла таъминланадилар, у ёки бу маршрутларни танлашда имтиёздан фойдаланадилар. Шу билан бирга шартнома тузган томонлар ўртасида пул-ҳисоб-китоби операциялари енгиллашади.

Путёвкалар сотиш бюроси касаба союз комитетлари, корхоналар, колхозлар, совхозларнинг вакилларини шартнома тузиш учун таклиф қилади.

Шартнома — илғор, ишда ҳамкорлик қилишнинг қулай формасидир. Ўз вақтида шартнома тузиш — келаси йили меҳнаткашларнинг тўлақонли дам олиши гаровидир.

Туристик путёвкалар бериш ҳақидаги шартномаларни қуйидаги адресларда тузиш мумкин: Тошкент шаҳри, 77-алоқа бўлими. Луначарский шоссеси, 103-уй, (метронинг «М. Горький» станцияси). Телефонлар: 67-84-07, 67-64-89.

Китобсеварлар, Сизлар учун!



13-ИХТИСОСЛАШГАН БУКИНИСТИК МАГАЗИНИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ

ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ: 82 ярим томлик ва 4 та қўшимча том (86 китоб) ёки 41 томлик ва 2 та қўшимча том (43 китоб).

Ф. А. БРОКГАУЗ ва А. И. ЕФРОН. 1880-1907 йиллар. Баҳоси (харид нархи) — 1.200 сўм.

РУС БИОГРАФИК ЛУҒАТИ. А. А. Половцев назорати остидаги нашр, 25 томлик тўплам. «Рус тарихий санъати» нашриёти. 1886-1918 йиллар. Баҳоси (харид нархи) 800 сўм.

Л. Н. ТОЛСТОЙ. Тўла асарлар тўплами, 90 томлик (78 том). М., «Бадиий адабиёт» нашриёти., 1928-1958 йиллар. Баҳоси (харид нархи) — 1200 сўм.

КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 30 томлик, 3-нашр. М. Совет энциклопедияси. 1970-1978 йиллар. Баҳоси (харид нархи) — 280 сўм.

МАГАЗИН, ШУНИНГДЕК АНТИКВАР КИТОБЛАРНИ ЯНГИ ПРЕЙСКУРАНТЛАР БЎЙИЧА СОТИБ ОЛАДИ ЁКИ КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

МАГАЗИНДА ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИНМОҚДА:

РОМЕН РОЛЛАН. Асарлар тўплами. 14 томлик. М., Гослитиздат. 1954-1958 йиллар. Баҳоси — 60 сўм.

ЛУИ АРАГОН. Асарлар тўплами. 11 томлик. М., Гослитиздат. 1957-1961 йиллар. Баҳоси — 36 сўм.

МАГАЗИНДА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР, РУС ВА ЧЕТ ЭЛ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН КОМПЛЕКТЛАРИ КАТТА ЙИҒМАСИ МАВЖУД.

Чунончи, магазин бадиий адабиётларнинг алмашинадиган катта фондига ҳам эга.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. (Санъат саройи рўпарасида). Телефон 41-25-90.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ҚУРС КОМБИНАТИ **1987-1988 ўқув йилига**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қуйидаги соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайди: БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРИ ВА СОТУВЧИЛАРИ.

17 дан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тугатганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Озиқ-овқат (саноат) товарлари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган группаларга ҳам тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати—8 ой, уни тугатганларга «кичик сотувчи» ихтисоси берилади.

Қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Республика ўқув-курс комбинати Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни шаҳар ва область савдо бошқармалари маҳаллий савдо идораларининг йўлланмаси билан қабул қилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, группаларда ўқиш бутун йил давомида узлуксиз олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, (086/У формадаги) медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13 ва 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефонлар 75-35-86, 75-35-92.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Контролер-кассирлар тайёрловчи 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА Озиқ-овқат моллари сотувчиларини тайёрловчи 4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

ЎҚИШГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинни тамомлаганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва уларга совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришларига имконият яратилади.

Таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 63-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 32, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь» бозори бекати). Телефон 55-75-15.



«Тоҳир ва Зуҳра»

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» ПАРФЮМЕРИЯ ТЕРМАСИ ҲАМ ЭРКАКЛАР, ҲАМ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БЎЛИБ, ХУШБЎЙ ҲИДЛИ, ЧИРОЙЛИ БЕЗАКЛИ БУ ТЕРМА ОИЛАВИЙ ТАНТАНАЛАР УЧУН АЖОЙИБ СОВҒА ҲИСОБЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК ФАБРИКАСИ.

Икки фойдали маслаҳат

БИРИНЧИСИ — ОИЛАНГИЗГА КЕРАК БЎЛГАНИДАН ОРТИҚЧА НОННИ СОТИБ ОЛМАНГ.

ИККИНЧИСИ — СУВИ ҚОЧГАН НОННИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, УНДАН ҲАР ХИЛ МАЗАЛИ ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАСА БЎЛАДИ.



«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-51-[illegible] шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-[illegible] фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-58-[illegible] «Ташкентская неделя» рекламалар илованси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13073.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши

Б. 2491. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.